

**OFFICIAL PERSON AS A SPECIAL ENTITY****Nomozov Eldor Sunatovich**

He is a student of the Higher School of Judges
<https://doi.org/10.5281/zenodo.11631887>

ARTICLE INFOReceived: 06th June 2024Accepted: 12th June 2024Online: 13th June 2024**KEYWORDS**

Special entity, liability of legal entities, business activity, crime, entity

ABSTRACT

This article focuses on the issues of qualification when the crime is committed by special agents. It analyzes some crimes committed by special entities and gives conclusions and suggestions on improving the criminal law.

МАНСАБДОР ШАХС МАХСУС СУБЪЕКТ СИФАТИДА**Номозов Элдор Сунатович**

Судьялар олий мактабининг тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11631887>**ARTICLE INFO**Received: 06th June 2024Accepted: 12th June 2024Online: 13th June 2024**KEYWORDS**

Мансабдор шахс, махсус субъект, юридик шахслар жавобгарлиги, тадбиркорлик фаолияти, жиноят, субъект.

ABSTRACT

Мазқур мақола жиноятни субъектлари томонидан содир этилганда квалификация масалаларига тұхталиб үтилген. Унда махсус субъектлар томонидан содир этиладиган бағыз бир жинояттар таҳлил қилиниб жиноят қонунчилигини такомиллаштириш бүйича хулоса ва тақлифлар берилген.

Жиноят субъекти масаласида жиноятнинг махсус субъекти алоҳида аҳамиятга эга. Жиноятнинг махсус субъекти субъектнинг умумий белгилари бўлган ақли расолик, муайян ёшга тўлганликдан ташқари Жиноят Кодексининг Махсус қисми моддаларида кўрсатилган қўшимча специфик белгиларга ҳам эга бўлиши шарт.

Шахсни жиноятнинг махсус субъекти деб ҳисоблаш учун субъектнинг зарурий белгилари билан бирга (ёш, ақли расолик) албатта бошқа белгилар ҳам бўлиши керакки, бундай белгисиз шахснинг тегишли норма билан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас¹.

¹Рустамбоев М.Ҳ. Жиноят ҳуқуки (Умумий қисм). Олий ўқув юртлари учун дарслик. Т.: “ILM ZIYO”, 2005.147-б.



Жиноятнинг мансабдорлик кўринишидаги маҳсус субъект белгиси жиноят субъектиниң факультатив белгиси бўлиб, бу белгилар ЖК Маҳсус қисмининг барча моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун зарур бўлмай, фақат мансабдорлик жиноятлари учунгина зарурий саналади.

Бунга мисол тариқасида ЖКнинг 230-моддасига кўра айбизз кишини жавобгарликка тортганлик учун фақат суриштирувчи, терговчи жиноят субъекти деб топилишини келтириш мумкин².

Жиноятнинг маҳсус субъектлари орасида мансабдорлик белгиси энг кўп учрайдиган маҳсус субъект белгиси ҳисобланади. Мансабдорлик жиноятида айлаш учун шахс, албатта, қонунга мувофиқ мансабдор бўлиши керак. Маҳсус субъект белгиси мансабдор шахс бўлган жиноят таркибларида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишлар мансабдор шахслар томонидан хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда ёки мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилади. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг деярли учдан бир қисм нормаларининг диспозицияларида маҳсус субъектларнинг жиноий жавобгарлиги назарда тутилган³. Аксарият юридик адабиётларда маҳсус субъект белгиларининг мансаб ваколати юзасидан жиноятнинг субъекти бўлиши (167-мода, 2-қисм, “г” банди, 205-211-моддалар)га оид белгиси кенг тарқалганлигини қайд этиш мумкин⁴.

Мансабдор шахслар томонидан содир этилган жиноятлар динамикасининг ўсиш тенденциясига эгалиги⁵ юқоридаги фикрларни нечоғли долзарб эканини кўрсатади.

Шунингдек, маҳсус субъект белгиси норма диспозициясида тўғридан-тўғри кўрсатилиши ёки шарҳлаш орқали баён қилиниши мумкин. ЖКнинг 192¹-моддаси диспозициясида хусусий мулк ҳуқуқини бузиш жиноятини назорат қилувчи, ҳуқуқни

²Усмоналиев М., Бакунов П. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Олий ўқув юртлари учун дарслик. –Тошкент: “Насаф” нашриёти, 2010. 243-244-б.

³Jinoyat huquqi.Umumiy qism: Darslik/A.S.Yakubov, R.Kabulov va boshq. – T.:O’zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2009. 139-b.

⁴Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. М. “Юристъ”, 2001. С.208-209.

⁵Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотига кўра содир этилган мансабдорлик жиноятлари қўйидагича: 2015 йилда ҳокимият ва мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш (205-м.) жинояти 1658 та, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (206-м.) жинояти 205 та, мансабга совуққонлик билан қараш (207-м.) жинояти 642 та, мансаб сохтакорлиги (209-м.) жинояти 1554 та, пора олиш (210-м.) жинояти 514 та, 2016 йилда ҳокимият ва мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш (205-м.) жинояти 1667 та, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (206-м.) жинояти 183 та, мансабга совуққонлик билан қараш (207-м.) жинояти 585 та, мансаб сохтакорлиги (209-м.) жинояти 1754 та, пора олиш (210-м.) жинояти 644 та, 2017 йилда ҳокимият ва мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш (205-м.) жинояти 1597 та, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (206-м.) жинояти 238 та, мансабга совуққонлик билан қараш (207-м.) жинояти 624 та, мансаб сохтакорлиги (209-м.) жинояти 2084 та, пора олиш (210-м.) жинояти 815 та, 2018 йилда ҳокимият ва мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш (205-м.) жинояти 1472 та, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (206-м.) жинояти 214 та, мансабга совуққонлик билан қараш (207-м.) жинояти 588 та, мансаб сохтакорлиги (209-м.) жинояти 2121 та, пора олиш (210-м.) жинояти 774 та, 2019 йилда ҳокимият ва мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш (205-м.) жинояти 1090 та, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (206-м.) жинояти 242 та, мансабга совуққонлик билан қараш (207-м.) жинояти 532 та, мансаб сохтакорлиги (209-м.) жинояти 1860 та, пора олиш (210-м.) жинояти 724 та, 2020 йилда ҳокимият ва мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш (205-м.) жинояти 927 та, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (206-м.) жинояти 156 та, мансабга совуққонлик билан қараш (207-м.) жинояти 427 та, мансаб сохтакорлиги (209-м.) жинояти 1611 та, пора олиш (210-м.) жинояти 346 та).



муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан содир этилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган. Худди шунингдек, ЖКнинг 1927-моддаси диспозициясидан ҳам хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга пул маблағлари беришни асоссиз равишда кечиктириш жиноятининг субъекти банкнинг мансабдор шахси ёки хизматчи эканлиги англашилади. Мазкур ҳолатни яна ЖКнинг 194, 205, 209, 230-моддалари диспозицияларида ҳам кўриш мумкин.

Жиноят қонунчилигига маҳсус субъект белгилари алоҳида нормада ҳам кўрсатиб ўтилиши мумкин. Бу ҳолат Россия Федерацияси ЖКнинг 331-моддаси диспозициясида кўзга ташланади. Унда ҳарбий хизмат ўташ билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахслар рўйхати келтирилган.

Юридик адабиётларда мансабдор шахс тушунчасини ёритишига турли мунозарали фикрлар билдирилганини кўриш мумкин. Жумладан, И.Н.Пахомов мансабдор шахс деганда, фақат давлат ҳокимияти ваколатларига эга бўлган давлат хизматчилари тушунилиши кераклигини қайд этса, бошқа бир олим, Г.И.Петров эса, мансабдор шахс деганда, давлат ёки жамоат аппаратида мансаб ваколатига эга бўлган, хуқуқий муносабатларнинг вужудга келишига, ўзгаришига ва бекор бўлишига сабаб бўлувчи юридик ҳаракатларни содир қила оладиган шахслар тушунилиши керак, дейди. Ц.А.Ямпольская мансабдор шахс деганда, ўзининг хизмат ваколатларига биноан турли хуқуқ субъектлари ҳолатларига таъсир этувчи, маъмурий бошқарувчилик актларини вужудга келтириш билан хуқуқий оқибатларга сабаб бўлувчи давлат хизматчилари тушунилиши кераклигини таъкидлайди.

Р.А.Зуфаров, гарчи, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Маҳсус қисмининг саккизинчи бўлимида мансабдор шахс тушунчасига таъриф берилган бўлсада, мансабдор шахснинг бажараётган вазифаси ва ваколати юзасидан илмий қарашлар мунозарали эканлиги нуқтаи назариданатрофлича таҳлил этилиши мақсадга мувофиқлигини билдиради⁶. Бизнингча, Б.Ж.Ахраровнинг мансабдор шахс, давлат хизматчиси ва ҳокимият вакилининг янгича тушунчаларини яратиш зарурати вужудга келганлигини, ўз вақтида, кўра билганлигини эътироф этиш жоиз.

Б.Ж.Ахраров эса мансабдор шахс тушунчасини бирмунча кенг шарҳлаб, уни давлат органида, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органида, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотда тайинланадиган, сайланадиган ёки маҳсус топшириқ асосида доимий ёки вақтинча ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик ваколатини амалга оширувчи шахс, деб тушуниради⁷.

“Мансабдор шахс” тушунчасининг ривожланиш тарихини таҳлил қилишда юртимиз худудида кодификацияланган жиноят қонунчилик манбалари Собиқ совет тузуми билан бирга кириб келганлигини ҳамда биринчи бор “mansabdar shahs” тушунчаси 1918 йил 8 майдаги Халқ Комиссарлар Советининг “Порахўрлик ҳақида”ги

⁶Зуфаров Р.А. Порахўрлик учун жиноий жавобгарлик. – Т.: ТДЮИ, 2004. – Б. 83-84.

⁷Ахраров Б.Ж. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. докт. ...диссертация. – Т., 2008. – Б.125-126.



декретида берилганлигини қайд этиш лозим⁸. 1918 йил 6 октябрдаги Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети кассация бўлимининг “Революцион трибуналлар судлови ҳақида”ги қарорида мансабдор шахс деб, ўзининг жамоатчилик ҳолатларига кўра революцион халқ томонидан берилган ҳокимият ваколатларига эга бўлган шахс тушунилиши белгиланди⁹. Б.Ахаров биринчи марта мансабдор шахс тушунчаси Д.И.Курский томонидан “Янги жиноят ҳуқуқи” номли тадқиқот ишида собиқ совет илмий муомаласига киритилганлигини келтиради¹⁰.

1927 йилги ЖҚда мансабдор шахс тушунчасига деярли тўлиқ тушунча берилган бўлишига қарамай жиноят ҳуқуқи назариясида кенг талқин қилиш давом этаверганлигини кузатиш мумкин¹¹. Кейинчалик 1959 йил 21 майда қабул қилинган ЎзССРнинг ЖКнинг 148-моддасида мансабдорлик жиноятлари ва мансабдор шахс тушунчаси берилди, унга кўра мансабдор шахс деганда, давлат ёки жамоат муассасаларида, корхоналарда ёки бошқа ташкилотларда доимий ёки вақтинча, пуллик ёки пулсиз, тайинланиб, сайланиб ёхуд айрим топшириқлар юзасидан давлат ҳокимият актларини амалга ошириш билан боғлиқ вазифаларни ёхуд маъмурий-бошқарувчилик ва ташкилий-хўжалик характеристидаги вазифаларни бажарувчи шахслар тушунилиши тўғрисидаги қоида ўрнатилган. Шу сабабли суд амалиётида мансабдор шахс тушунчаси унинг эгаллаб турган вазифаси ва ваколатлари хусусиятидан келиб чиқиб аниқланган.

Маълумки, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида эса “mansabdar shahs” – ташкилий-бошқарув ёки маъмурий хўжалик ваколатлари берилган ва масъул мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс эканлиги, худди шунингдек, ҳокимият вакиллари; давлат корхонаси, муассасаси ёки ташкилотларида сайлаш ёки тайинлаш бўйича доимий ёхуд вақтинча ташкилий-бошқарув ёхуд маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ лавозимларни эгаллаб турган ва юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахслар; мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, давлат бошқаруви юзасидан белгиланган тартибда ҳокимият ваколати берилган жамоатчилик вакиллари; ташкилий-бошқарув ёхуд маъмурий-хўжалик вазифаларини фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида бажариш билан боғлиқ мансабларни эгалловчи шахслар “масъул мансабдор шахс” сифатида белгиланган эди¹².

Ушбу қоидага кўра масъул мансабдор шахсда муайян мансаб ваколати мавжуд бўлиши билан бирга у давлат ташкилоти, муассасаси ва органларида ишлиши ҳамда мазкур ваколатларини ўзи ишлаб турган давлат ташкилоти ёки органлари таркибида

⁸Сборник Указов РСФСР. – М., 1918. – № 35. – С. 467.

⁹Сборник документов по истории уголовного законодательства СССР и РСФСР. 1917-1952 г.г. – М., 1953. – С. 36-37.

¹⁰Ахаров Б.Дж. Бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик муаммолари: Юрид.фан док. дис..... – Т., 2008. 103-б.

¹¹Зуфаров Р.А. Порахурликка қарши курашнинг жиноят ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: назария ва амалиёт.: Юрид. фан. докт. ... дис.автореф. – Т., 2005. 21-б.

¹² Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, 1-сон, 1-модда.



амалга ошира олиши билан белгиланган. Бунинг натижасида ўзига хос алоҳида ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади: 1) давлат хизматини ташкил этиш жараёнидаги муносабатлар (ходимларни танлаш, мансабга тайинлаш, хизматни ўташ ва тугаллаш тартибларини белгилаш ва ҳ.к.лар); 2) муайян соҳа тизими бўйича давлат хизмати функциясини амалга ошириш (ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик ваколатлари) бўйича ижтимоий муносабат (ходимларга раҳбарлик қилиш, мулкни бошқариш, ички интизом қоидаларини назорат қилиш, иш вақтини ташкил этиш ва ҳ.к.), 3) муайян соҳа тизимидан ташқарида давлат органи функцияларини бажариш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар (давлат ҳокимияти муносабатлари). Шахснинг давлат органи тизимида қандай мансабни эгаллаганлиги ва унга қандай ваколатлар берилганлигига қараб унинг ваколатлари доираси, бажарадиган (хизмат ёки ҳокимият) функцияси белгиланади.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 авгуустдаги ЎРҚ-391-сонли Қонуни¹³ билан “mansabdar shaxs” атамаси тушунчасининг янги таҳрирда баён этилганлиги ҳамда Жиноят қонунидан “masъul mansabdar shaxs” атамасининг чиқариб ташланганлиги ҳам эътиборга молик.

Маълумки, мансабдорлик жиноятларини жиноий-ҳуқуқий тавсифини ёритиш, бу турдаги жиноятларни квалификация қилишда мансабдор шахс, хизматчи, ҳокимият вакили атамаларини шарҳлаш ва тўғри қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Саккизинчи бўлимида мансабдорлик жиноятлари билан боғлиқ айrim атамаларнинг ҳуқуқий маъносига кўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Шунга кўра, мансабдор шахс деганда доимий, вақтинча ёки маҳсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек ҳалқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс тушунилади.

“Mansabdar shaxs” жиноят-ҳуқуқий атамасининг янги таҳрирдаги ҳуқуқий маъносини таҳлил қилиш қўйидагича хulosha қилиш имконини беради. Яъни, мансабдор шахснинг ташкилий бошқарув вазифалари жамоага раҳбарлик қилиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, тобе шахслар меҳнати хизматини ташкил этиш, интизомни таъминлаш, рағбатлантириш, интизомий жазо чораларини қўллаш кабиларда ифодаланади.

Мансабдор шахснинг маъмурий-хўжалик вазифалари сифатида эса балансда ва банқдаги ҳисобларда бўлган мулклар ва пул маблағларини бошқариш ва тасарруф

¹³ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ҳусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-391-сонли Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 33-сон, 439-модда.



этиш, шунингдек, бошқа ҳаракатларни: ойлик иш ҳақи ва мукофотларни белгилаш юзасидан қарор қабул қилиш, моддий қимматликлар ҳаракати устидан назорат олиб бориш, уларни сақлаш тартибини белгилашни келтириш мумкин.

Худди шунингдек, ваколатли шахс, масалан, давлат нотариал идораси нотариуси, ФХДЁ мудири, уй-жой мулкдорлари ширкати, кадастр раҳбари ва бошқа шу каби ваколатли шахслар томонидан юридик аҳамиятга эга оқибатларни келтириб чиқарадиган ёки келтириб чиқариши мумкин бўлган қарорлар қабул қилиниши юридик аҳамиятга эга ҳаракатлар сифатида тушунилади. Фуқаролар йиғини раиси фуқаролар ўзини ўзи бошқарув органларининг юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколатли мансабдор шахси ҳисобланади.

Халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахслари сифатида Ўзбекистон Республикаси иштирокчи бўлган халқаро ташкилотлар аъзолари, шунингдек юрисдикцияси Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган халқаро судда судьялик лавозимини эгаллаган шахсларни келтириш мумкин.

Чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида тайинланадиган ёки сайланадиган ҳар қандай лавозимни эгаллаб турган шахс чет давлатнинг мансабдор шахси ҳисобланади.

Давлат органида, тижорат, нотижорат ташкилотида меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-хуқуқий шартнома асосида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи, мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс хизматчи саналади. Давлат ва хуқуқ назариясига оид адабиётларда ҳокимият ваколатига эга бўлган, хуқуқий ҳужжатлар чиқариб, уларни мустақил равишда ҳаётга жорий этувчи мансабдор шахслар давлат хизматчилари саналиши лозимлиги кўрсатиб ўтилади¹⁴.

Ҳокимият вакили эса давлатнинг бирон-бир ҳокимият органининг номидан иш кўриб, муайян вазифаларни доимий ёки вақтинча амалга оширувчи ва ўз ваколатлари доирасида кўпчилик ёхуд барча фуқаро ёки мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган ҳаракатларни содир этиш ёки фармойишлар бериш хуқуқига эга бўлган шахс.

Қонун мазмунига қўра, ҳокимият вакили деганда қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятини ифода этиб, муайян вазифаларни доимий ва вақтинча амалга оширувчи ва ўз ваколати доирасида кўпчилик ёки барча фуқаролар ёхуд мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган ҳаракатлар содир этиш ёки фармойиш бериш ваколатидан фойдаланувчи шахс тушунилади.

Бундай шахслар жумласига, масалан, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Юқори Кенгеси депутатлари ва Ҳукумати аъзолари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари ва идоралари раҳбарлари, судьялар, прокурорлар, терговчилар, божхона, солиқ, ички ишлар органлари ва давлат хавфсизлик хизмати ходимлари, суд ижро чилиарни киритиш мумкин.

¹⁴Бобоев Ҳ.Б., Исломов З.М. ва бошқ. Давлат ва хуқуқ назарияси.–Т.: Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси, 2000. – Б.73.



Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 17-моддасига асосан ЖКнинг 205 – 210, 230 – 232, 234, 235, 279 – 302-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят содир этгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлган шахслар жавобгарликка тортилади¹⁵.

Мансабдорлик жиноятлари учун жиноий жавобгарлик ёшининг бундай белгиланиши бу ёшга етганда шахс мансаб ваколатлари билан боғлиқ ҳаракатларини тушунадиган, унинг оқибатини англай олишини ҳисобга олиб белгиланган.

Бизнинг фикримизча, барча мансабдорлик жиноятлари каби “Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равища аралашиш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиласидиган бошқа жиноятлар” номли XIII¹ бобдаги мансабдорлик жиноятлари учун ҳам субъект ёши этиб 18 (ўн саккиз) ёш белгиланиши лозим. Чунки, мазкур жиноятлар ҳам мансабдорлик жиноятлари ҳисобланади. Аммо ушбу жиноятлар учун субъект ёши ЖК Умумий қисм 17-моддасида кўрсатиб ўтилмаганлиги учун ҳам умумий асосларда 16 (ўн олти) ёш этиб белгиланган. Шунинг учун, юқоридагиларга асосан, ЖК Умумий қисм 17-моддасига тегишли ўзгартириш киритган ҳолда, ЖКнинг “Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равища аралашиш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиласидиган бошқа жиноятлар” номли XIII¹ бобдаги мансабдорлик жиноятлари учун ҳам субъект ёши 18 ёш қилиб белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун унинг ақли расолиги ҳам аҳамият касб этади. Шахс содир бўлаётган воқеликни англай олмаса, унинг жавобгарлиги ҳақида сўз юритишнинг ҳожати ҳам бўлмайди.

Шунинг учун ҳам мансабдор шахс вазифасининг хусусиятини кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга.

1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган Бола хуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 1-моддасига кўра шахс ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар бола ҳисобланади. Бола хуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор ҳалқаро ҳужжатларда ҳам вояга етмаганларни жиноий жавобгарликка тортишнинг минимал ёшига риоя қилиш белгиланган¹⁶.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 22-моддасига мувофиқ фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик хуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати) у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач тўла ҳажмда вужудга келади.

¹⁵Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2021 й., 23-сон, 301-мода.

¹⁶Сборник международных документов Комитета ООН по правам ребенка/Отв. Ред. А.Х.Саидов – Т.: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, 2014. – С. 239.

**References:**

1. ЎР ВМнинг “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштироқидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.12.2019 й., 09/19/1022/4181-сон.
2. ЎР ВМнинг 2002 йил 28 июндаги “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.05.2020 й., 09/20/271/0565-сон
3. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2020 й., 03/20/617/0585-сон.
5. Хаттобов Н. Юридик шахслар: уларнинг жавобгарлигига оид айрим мулоҳазалар//№02(122)/2016, Ҳуқуқ ва бурч. Б.61.
6. Никифоров А.С. Юридическое лицо как субъект преступления и уголовной ответственности. М.: ЮрИнфоР, 2002; Келина С.Г. Ответственность юридических лиц в проекте нового УК РФ // Уголовное право: новые идеи. М., 2004. С. 50, 60; Ситковский И.В. Уголовная ответственность юридический лиц. Автореф. дисс.... канд. юрид. наук. М., 2003, и др.
7. Якубов А. С. Теоретические перспективы развития уголовно-правовой основы учения о преступлении. – Т., 1996. – С. 5–26.
8. Абдуқодиров Ш.Ё. Мирзаев У.М. Ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш: Жиноят кодекси Махсус қисми X бобига шарҳлар. Ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф.Қ.Абдурасулова. – Т.:ТДЮУ, 2013 – Б. 4.
9. Кабулов Р. Социальная обусловленность установления ответственности за преступления, предусмотренные гл. XIII Особенной части УК и их общая юридическая характеристика. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексини такомиллаштириш масалалари мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. –Т.: ТДЮУ, 2017. Б.145
10. RustambayevM.X. O’zbekiston Respublikasi jinoyat huquqi kursi. Tom 4. Iqtisodiyot sohasidagi jinoyatlar. Ekologiya sohasidagi jinoyatlar. Hokimiyat, boshqaruv va jamoat birlashmalari organlarining faoliyat tartibiga qarshi jinoyatlar. Darslik. 2-nashr, to’ldirilgan va qayta ishlangan – T.:O’zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti, 2018. – 529 bet.;
11. Махкамов О. ва бошқ. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига қарши жиноятлар. Илмий-амалий рисола. Масъул муҳаррир: ю.ф.д. Р.А.Зуфаров. – Т.: ТДЮУ, 2016. – 96 б.;
12. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри/Р.Кабулов, А.Отажонов ва бошқ.; Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т.: Ўзб. Респ. ИИВ Акад., 2016. – 1096 б.